

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ДОНИМИЗ ТЎКИН – НОНИМИЗ БУТУН



Мансур ХИММАТОВ олган суратлар



Айни кунларда вилоятимиз дала-ларида қаллани ўриб-янчиб олиш иш-лари охираймоқда. Қайси туманга борманг, қаллазорларда шитоб билан ҳаракатланаётган замонавий комбайнлар бўлиқ бошқаларни ўриб-янчиб, юк машиналарига тўкаётгани-га кўзингиз тушади. Ҳосил салмоғи ҳар йилгидан зиёдроқ тош босаётганидан фермер ва деҳ-қонларнинг кайфияти чоғ.

2

Жиноятчиликка қарши курашишнинг Ангрен тажрибаси шаклланимоқда

Ангрен шаҳрида хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузар-ликка қарши курашнинг янги механизмларини жорий этиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш масалала-рига бағишланган ўқув семинар ўтказилди.

Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятидан



дай ҳолатда ички ишлар органларидан хотин-қизлар билан ишлашга маъсул этиб бириктирилган ходим, рух-шунос, "Оила" илмий-ама-лий тадқиқот маркази ва маҳалла раиси ҳамкорликда иш олиб борар экан, юзага келиши мумкин бўлган вази-ятлар таҳлил қилинди.

Умуман олганда, жиноят-



Худуддаги 2-минтақавий бошқарма биносида ўтка-зилган мазкур тадбирга вилоятимиздаги барча ту-ман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, пси-хологлар, МФЙларда фао-лият кўрсатаётган хотин-қизлар билан ишлаш бўй-ча мутахассислар, шунинг-дек, жамоатчилик вакилла-ри иштирок этди.

Маълумки, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича Бухоро тажрибаси шаклланиб кетган. Унга кўра, қўйи тизимлардаги барча ижрочилар жиноят ва ҳуқуқбузарликлар эҳтимоли мавжуд ўчоқларда алоҳида иш олиб борилади. Бунда статистик ва илмий таҳлил-лар ҳаёт ҳақиқатлари билан тўқнашади. Бошқача айтган-да, ёндошув меҳр ва ўзбеко-на андиша доирасида, ваз-минлик билан олиб борила-ди. Аммо мунтазамлик, ўзаро ишонч ва дўстона муҳит таъ-сирида аёлларимизни жўш-қин ва соғлом ҳаётга қайта-риш имкони ортади.

Семинарда Бухоро таж-рибасининг ижобий жиҳат-ларини ўзлаштириш, худуд-нинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ишни янги мотивлар асосида ташкил қилиш ма-салалари ҳам муҳокама қилинди. Яъни, тоғолди ва тоғли худудлар хотин-қизла-рини қийнаётган муаммо, масалалар шаҳар худудида-ги ҳолатдан моҳият-этиб-орига кўра фарқ қилади. Му-ҳокамалар жараёнида шун-

чиликка қарши кураш, ай-ниқса, хотин-қизлар ўртаси-да ҳуқуқбузарлик ва жиноят-чилик содир бўлишининг олдини олиш бўйича Ангрен тажрибаси юзага келмоқда. Унинг ўзига хослиги шунда-ки, 4 та худудни қамраб олган минтақавий ички иш-лар бошқармаси ходимлари худудий хотин-қизлар кўми-талари билан ҳамкорликда кўча, маҳалла, қишлоқлар бўйлаб тизимли назорат ўрнатилади. Бу назорат қўрқувга, босим ўтказишга эмас, меҳр асосига қурилади. Янаям аниқроғи, жино-ят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин бўлган хо-надон, муҳит, ижтимоий қат-лам шунчаки назорат ости-га олинмайди. Уша муҳитга маҳалла мутахассиси, психо-лог, ички ишлар ходими тимсолида давлатнинг эъти-бори кириб боради...

Тадбир ана шундай кай-фиятда ўтди. Унда ишти-рокчиларга меҳнат фаоли-ятини давомидида янги пайдо бўлаётган тушунчалар, иш услубларини ўзлаштириш зарурати ҳақида сабоқлар берилди.

Ўқув семинарда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раи-си Озода Парпиева иш-тирок этди.

Тошкент вилояти
ҳокимлиги Ахборот
хизмати

Шерзод ҚОБУЛОВ
олган суратлар

БЕКОБОДЛИК МАРД ЎҒЛОН

"Ҳаётда ўз олдинга қўйган юқори мақсадлар сари дадил қадам ташласанг, ортга чекинмасанг, албатта, ниятингга эришар экансан. Машаққатли меҳнатдан кейинги галаба нашидаси бошқача бўларкан".

Шуқуҳ

"Мард ўғлон" давлат му-кофоти совриндори Шаҳ-боз Холмурзаев билан бўлган суҳбатимиз шу та-риқа бошланди. Бир қа-рашда камгап туюлган бу йигит анча киришимли ва билимдон экан. Бунга суҳ-бат давомида амин бўлдик. Ҳа, вилоятимизда шижо-атли, серғайрат, танлаган соҳасининг бошини маҳкам тутиб, юксак марраларни забт этаётган Шаҳбоз Хол-мурзаев сингари ёшлар жуда кўп.

Қаҳрамонимиз Бекобод шаҳрида таваллуд топган. Айни пайтда Тошкент дав-лат жисмоний тарбия ва спорт университетининг

тўртинчи босқичида таҳсил олмоқда.

– 15 ёшимдан академик эшакка эшиш спорт тури билан шуғулланиб келаман, – дейди Ш. Холмурзаев. – Шу кунгача ўндан ортиқ халқаро, шунингдек, 2016 йилги ёзги Олимпиадада қатнашганман. 2018 йилда эса Осиё ўйинларида фахр-ли биринчи ўринни олдим.

Кўпчилик нега айнан шу спорт турини танлаганимни сўрашади. Бунинг сабаби, болалигимдан бўйим баланд эди. Қолаверса, кўш-нимиз академик эшакка эшиш бўйича мураббий эдилар. Улар мени қизиқ-тирганлар.



– Очигини айтсам, "Мард ўғлон" мукофоти совриндори бўлиш ҳаёлим-га ҳам келмаганди. Сабаби, вилоятимизда мазкур ну-фузли мукофотга муносиб-лар кўп-да. Уша вақтда

жуда ҳаяжонландим. Бунақаси, ҳатто, Осиё ўйинларида ҳам бўл-маганди.

Бундай натижага эришишимда мураб-бий ва яқинларимнинг хиссаси катта. Шун-дай шароитлар яра-тиб, бизни рағбатлан-тираётганларга раҳ-мат. Энг катта мақса-дим – Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган Олим-пиада ўйинларига йўлланма олиш ва у ерда Ватанимиз ша-рафини муносиб ҳи-моя қилишдир.

Аслида йигит киши, айниқса, спортчилар учун Ва-тан байроғини ўзга юрт-ларда юқори кўтаришдан-да катта бахт бўлмаса ке-рак. Спортчиларимиз ора-сида Шаҳбоз сингари мард ўғлонларимиз кўпаявер-син.

Ўз мухбиримиз

МЕН ЎҚИГАН КИТОБ

хотирамда бир умр қолади

"Мен ўқиган китоб" кўрик-танловининг вилоят босқичига барча тайёр-гарлик ишлари тахт қилинди.

– Маҳалла ёшлари ўр-тасида китобхонлик мада-ниятини ошириш орқали улар маънавиятини юкс-салтириш, адиб ва мута-факкирларимизнинг бой маънавий мероси, илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган аждоқлари-мизнинг ҳаётини ўрганиш танловнинг бош мақсади-дир, – дейди ишчи гуруҳ раҳбари, вилоят Маҳалла-лар кенгаши раисининг ўринбосари А. Абдуазимов.

– Тумандаги 42-мак-табнинг 10-синфиди ўқий-ман, – дейди оҳангарон-лик Дилбархон Ғуломова. – "Ўзбек адабиёти би-лимдони" ва "Жаҳон ада-биёти билимдони" йўна-лиши бўйича туман бос-қичида ғолиб бўлдим. Китоб ўқиш, танловда билимимизни сынаб кў-риш, тенгдошлар давраси-да кечган ҳаяжонли дамлар ёшликнинг энг ёрқин, нузли хотиралари бўлиб қолади.

Дарвоқе, худудий бос-қичларда юқори ўринлар-ни эгаллаган иштирокчи-лар диплом, ўзбек ва жа-ҳон адабиётининг дурдо-на асарларидан иборат китоблар жамланмаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Тошкент вилояти
Маҳаллалар
кенгаши

Бир шижоат изидан

"Ҳар баҳорда шу бўлар такрор..."

"Уч йилдан буён шу маҳаллада яшайман. Ҳар йили ёз бошланди дегунча сувимиз ўчади. Имкони борлар сувни сотиб олади, қолган-лар узокдан ташийди.

Сотиб олса ҳам, узокдан ташиса ҳам баъзан уларга ҳавасим келади. Ахир, моддий ёки бошқа томондан қийин бўлса ҳам уларда имкон бор. Имконсизларга, яъни маҳалладаги яқка-ёлғиз яшовчи қарияларга ачи-наман.

Маҳалламиздаги сув муаммоси бўйича бир неча бор мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Кимдир у, бошқаси бу, дейди, ле-кин ахвол ўзгармайди. Шу муаммо-лар сабаб айни пайтда ўзим ҳам ўз уйим қолиб, қизимнинг уйида яшайман..."

Зангиота тумани "Кўёшли" маҳал-ла фуқаролар йиғини, Я. Одилов

кўчаси, 4-уй, 1-хонадонда истиқо-мат қилувчи фуқаро М. Расулова мурожаат қилиб, маҳалладаги сув билан боғлиқ муаммолар бўйича юқорида қайд этилган фикрларни билдирди. Мазкур мурожаатга асо-сан "Кўёшли" маҳалласидаги сув билан боғлиқ муаммони ўргандик.

Маҳаллада қарийб 3 минг 800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда 13 та кўп қаватли уй бўлиб, сув муаммосидан, айниқса, улар кўпроқ азият чекади.

– "Сув" хоҳласа бор, хоҳламаса йўқ, 15 йилдан буён ахвол шу, – дейди 4-уй, 6-хонадонда истиқо-мат қилувчи фуқаро С. Рустамов. – Биз ушбу муаммо ҳақида мутасад-диларга мурожаат қиламиз, кели-шади, ортдан сув олиб келиш ваъдалари билан янги ширкатлар келади. Табиийки, сув билан боғ-лиқ сарф-харажатлар учун аҳоли-дан маълум миқдорда пул йиғила-ди ва яна табиийки, йиғилган пул-

лар ҳам, ширкат ҳам ғойиб бўла-ди. Муаммо эса муаммолигича қолиб кетаверади.

Маҳаллада умуман сув йўқ, дейиш ноҳақлик бўлар. Чунки, Я. Одилов кўчасида (3-уйнинг ёнида) ўрнатил-ган ичимлик суви тармоғидан паст босимда бўлса ҳам сув келиб ту-рибди. Маҳалла фаолларининг бил-диришича, эрталаб ва кечки пайт бу ерда сув олиш учун навбат соат-лаб чўзилади. Хонадонларга ҳам аслида сув берилар экан, фақат суткасига 10 ёки 15 дақиқа. Сувнинг берилиш вақти тартибли бўлма-гани учун бундан хабар топганлар 20-30 литр сув олишга улгуради, ха-барсизлар эса юқорида қайд этил-ган навбатдан ўрин олишга мажбур.

– Бу сувни рўзгорнинг ювиш-ча-йиш ишларига ишлатамиз, – дей-ди 1-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Н. Сулаймонова. – Чунки, бу сув ичишга яроқсиз. Ичимлик сувини эса 2 километрдан



ташиб келамиз. Аслида сувнинг бори ҳам, йўғи ҳам бир дард. Сув нафақат инсоният, қурраи заминда мавжуд ҳаётнинг давомий-лигини таъминловчи муҳим унсур-лардан бири ҳисобланади. Айни шу боис ҳам сувсиз ҳаёт йўқ, деймиз. Бу улугъ неъмат "Кўёшли"га нима заҳмат ўтказибдики, ўзи йўғи му-аммо бўлиб тургани ҳолда бори ҳам



бир "дард" бўлса? Юзимда пайдо бўлган таажубданми ёки ўртага чўмган узок сукутданми билмадим, каминга ҳамроҳлик қилаётган ўн чоғли маҳалла фаоллари тушунти-ра кетди: "Қўриб турганингиздек сувимиз муаммо, аслида энг катта муаммо канализация..."

Давоми 2-бетда

□ Кучли фуқаролик жамияти сари

бўлиб ўтди. Очик-ошкора, шаффоф тарзда, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловларда маҳалладошларини ишонтира олган номзодлар голиб бўлишди. Хўш, сайланган раислар зиммасидаги вазифаларни уddалой олаятими? Сайлов вақтида берилган ваъдалар унутилмадими? Биз Паркент туманидаги айрим маҳалла раисларига мурожаат қилдик.

САЙЛОВ ЎТДИ, ВАЪДАЛАР УНУТИЛДИ...МИ?

Равшанбой ТОЖИБОВЕВ, "Гулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳаллага раис бўлиш, албатта, шарафли вазифа, аммо масъулияти ҳам залворлида. Шу боис, одамларга ўйлаб ваъда бериш керак. Сайловолди дастурида маҳалламиз ҳаётида кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажаришга эътиборимни қаратгандим.

Маҳалламиз аҳолиси 2 минг 785 нафар, 720 та оила 6 та кўчада яшайди. Раис бўлиб сайланганимнинг эртасигаёқ ишни ҳудудимиздаги кўчаларни ободонлаштиришдан бошладим. Сабаби, қаерда тозалик, ободлик бўлса ўша ердан фэйз аримайди. Шунданми, ишларимиз анча юришиб кетди.

Маҳалламиздаги ишсиз хотин-қизларга муносиб иш топиш учун хунарманд Зарина Туржоновга тақлиф билдиргандим, бажонидил қабул қилиб, 60 нафар аёлни иш билан таъминлади. Хозирда хунарманднинг ишлари юришиб, пойтахтлик тадбиркорлардан жуда кўп буюртма олаётти. Ишчиларга ўрта ҳисобда бир миллион сўмдан ойлик бераётти. Мухими, иш жойи маҳалламиз ҳудудидagi хотин-қизларга ҳар томонлама маъқул бўлаётти.


Бундан ташқари, "Ёшлар меҳнат гузари"ни ишга тушириш арасасидамиз. Қурилиш-монтаж ишлари деярли ниятсизга етди. Керакли жиҳозларни ўрнатдик. Гузар ишга тушса, 30 нафар ўғил-қиз иш билан таъминланади. Маҳалла идораси ёнидаги футбол майдончаси ҳам бугун-эрта очиладиган бўлиб турибди.

Шу ўринда маҳалламиз маънавий ҳаёти ҳақида ҳам тўхталиб ўтмасак, бўлмайди. Кўз тегмасин, йил бошидан буён ҳудудда умуман жиноят содир этилмади. Бу масала доимий диққат эътиборимизда. Айниқса, ёшларимиз жиноятга қўл урмаслиги учун таълим-тарбия ишлари билан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ шуғулланаямиз. Шу мақсадда вакиллар билан маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўйиб олдик. Ёшларимизни китобхонликка ўргатаймиз. Ма-

ҳалла идорасида шинамгина кутубхона ҳам очиб қўйдик. Хозирда кутубхона фондида 300 дан ортиқ бадий адабиёт бор. Аҳоли кўмагида кутубхонани бойитиб бораёلمиз.

Маҳалладошларимиз орасида боқимандалик кайфияти урчимаслигининг олдини олиш бора-сида ҳам бир мунча ишларга улғурдик. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 50 нафар фуқарога хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланиши учун кредит олишга ёрдамлашдик. Бизда маҳалла идорасига келиб, "Ёрдам пули бермасангиз бўлмайди", дейдиганлар йўқ ҳисоб.

Яна бир муҳим масала



ҳақида икки оғиз сўз. Би-ласиз, бугун тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш долзарб масалага айланган. Ишонсангиз, бу масалада маҳалламизда муаммо йўқ. Бу борада яхшилик йўлида ишлатган "хўйла"миз фойда берди. Ўйлаб кўрсам, дабдабали тўй ёки маъракаларни, асосан, ўзига тўқ, бойлар қилган экан. Шошма, маҳалламизда неча бой бор, деб бирма-бир санаб, ён дафтарчага қайд қилиб қўйдим. Вакиллар йиғилишини ўтказиб, уларни атайин шу масаладаги комиссиямиз аъзоллигига сайлаб олдик. Буни қарангки, ўйлаганимиздек бўлиб қичди. Шубҳа қилсангиз тўй ва маъракаларимизни келиб кўринг, ихчам, тартибли ўтатганига гувоҳ бўласиз.

Аммо, асосий ишларимиз ҳали олдинда турибди. Бу ҳақда кейинги санофар гаплашамиз.

Озода СОЛИЕВА, "Булоқбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Юз йиллик тарихга эга маҳалламиз ҳоким секторига қарашли ҳудудлардан ҳисобланади. Сайловолди мулоқот ҳам шунга монанд бўлиши керак эди. Шу боис, фуқаролар йиғинимизнинг ўтган бир йиллик иш натижаларини ўрганиб чиқдим. 2018 йили маҳалламизда "Обод маҳалла" Давлат дастури доирасида қатор ишлар амалга оширилиб, 4 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди.

Сайловолди дастурида маҳалламиз ҳаётидаги маънавий барқарорлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, оилавий ажримлар каби масалаларга кўпроқ эътибор қаратганман. Бу борада кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишга ваъда бергандим. Ўтган бир ярим ойни сарҳисоб қиладиган бўлсак, маҳалламизда тадбиркорлар кўпайди, кре-

дитлар олиниб, мақсадли ишлатилди ва янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда маҳалладан моддий ёрдам пули оладиганлар йўқ.

Раисликка сайланганимдан буён маҳалламизда жиноятчилик содир бўлмади. Оилавий ажримлар йўқ. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қузатилмади. Тўй ва маъракаларда дабдабозликлар сезиларли даражада қалмади. Айниқса, маҳалламизда боқимандаликка берилган оилаларни умуман учратмайсиз. Тадбиркорларимиз сони ошмоқда. Шу кунгача 15 нафар кишига кредит олишда ёрдамлашдик.

Дарвоқе, маҳалламиздаги 531 та оила ва 2 минг 112 нафар аҳолини яқиндан библишим менга кўл келмоқда. Сайловолди дастурида биринчи галда маҳалламизда жиноятчилик содир бўлмаслиги учун зудлик билан бажариш шарт бўлган ишларни киритгандим. Бугунгача ҳар бир кўчага ҳомийлар ёрдами билан назорат ка-



мералари ўрнатдик. Энди навбат маҳалламизнинг Паркент сойига туташиб кетган ҳудудига келди. Катта ҳажмдаги иш бўлгани учун яна озроқ вақт керак бўлаяпти. Сайловда голиб бўлганим масъулиятимни ўн қарра оширдим. Маҳалла раисининг ўзи ва оиласи юриштириши, одоби билан маҳалладошларига ибрат бўлса, сўзи таъсир қилади. Ўзингиз амал қилмаган ишларга бошқаларни қандай кўндирасиз? Шу кунгача айрим ваъдаларимни уddасидан чиқдим. Насиб қилса, фаолиятим давомида қолган ваъдаларимни ҳам бекаму кўст бажараман.

Мирзатулла ЗУЛПИЕВ, "Чинорлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Сайловолди дастурини тайёрлаш вақтида маҳалламиз ҳаётини обдон ўрганиб чиқдим. Қарасам, қилинадиган ишлар талайгина экан. Электр энергия, ичимлик суви таъминотидан тортиб, уйда таътириб қолган хотин-қизларни ишга жойлаш, ёшларни китобхонликка, спорт тўғрисидаги жалб қилиш ва ҳоказо масалалар. Ҳаммаси ҳал қилса бўладиган муаммолар, бирин-кетин уddасидан чиқаямиз. Яна 9 та кўчани босқичма-босқич асфальт қилиш масаласини ҳал этиш ҳақида сўз бериб қўйганман. Сайловда маҳалладошлар ёш бўлишимга қарамай менга ишонч билдирди. Энди ваъдаларни бажаришим керак.

Маҳалламиз аҳолиси 2 минг 242 нафар бўлиб, ҳудудимиздаги 9 та кўчада 651 оила истиқомат қилади. "Қўштегирмон", "Бирлик" кўчаларидаги 80 та хонадонга узатиладиган электр тармоқлари бир оз эскириб қолган. Ишни кўчаларга симёғочлар ўрнатишдан бошладик. Электр-монтаж жараёни яқин кунлар ичида ниҳосига етади. Сув таъминотидаги муаммолар ҳал бўлиш ҳақида. Маҳалламиз ҳокимиятимизнинг секторига қиради. Шундан фойдаланиб, "Бог ичи", "Қўштегирмон", "Бирлик" кўчаларимизни асфальт қилиш масаласида ёрдам сўрамоқчимиз.

Маҳалламизда кам таъминланган 4 та оила бор экан. Улар билан суҳбат ўтказиб, хоҳловчиларга кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланишларига кўмаклашдим. Қолганларига ҳомийларимиз кўмагида қорамол олиб бердик. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 25 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 21 кишининг имтиёзли кредит олишига эришдик.



Сал қолса унитазибман-ку. Тунов кўни "Ширин" кўчасида яшовчи тадбиркор Пулат Қўшов идорамизга келганди. 80 сотих ер майдонида иссиқхона қурмоқчилигини айтиб қолди. Дарров гапга солдим. Иш бошлаш учун 400 мил-

Паркент туманидаги уч нафар раис билан суҳбатимиздан тушундикки, маҳалла раислиги ўта серташвиш, шунингдек, шарафли ва савобли иш экан. Бугун маҳалла раиси фидойи бўлмаса, бирор натижага эриша олмамлиги аниқ. Бу ҳақдаги туркум мақолаларимиз ҳали давом этади. Ишонамизки, вилоятимиздаги қолган маҳаллалар раислари ҳам аҳоли фаровонлиги йўлида қуч-ғайратларини аямайдилар.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусалим МАХМУДОВ ёзиб олди

Дард устига чинқоғимди бу?

Айни пайтда маҳалла ҳудудига жойлашган Эркин қишлоқ врачлик пункти биносининг таъмирланаётгани ҳам маҳалла аҳолисини ташвишга сол-

дуллаева. — 2-уйгаку ундан ҳам яқин масофада жойлашган. Энди бир тасаввур қилинг, кўп қаватли уйларга шунчалик яқин масофада жойлашган, камига канализация тизими тўғри мактабга йўналган КВП биносини

Жорий йилда вилоятимизда 3 минг 875 та фермер хўжалиги томонидан жами 126 минг 980 гектар майдонда галла парвариш қилинди. Ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иқлимидан келиб чиқиб, буғдойнинг "Крошқа", "Юка", "Васса", "Антонина", "Гром", "Фозгон", "Таня" ва "Кроснадар" каби эртапишар ва ҳосилдор навларининг экилган эди. Ўз вақтида олиб борилган агротехник тадбирлар, миришкорларнинг машаққатли меҳнати эвазига бугун барчанинг юзи ёруғ. Сабаби, 2019 йил режа бўйича давлатга 320 минг 550 тонна галла топшириш белгиланганди. Амалда эса, 362 минг 878 тонна дон ет-

кор қилиниши барчага катта масъулият юклатди.

Вилоятнинг нисбатан иссиқ — жанубий ҳудудига жойлашган Бекобод туманида галла ўрими ҳаммадан аввал бошланди. Бу ерда мавсум олдинда семинар ташкил этилиб, олдиндаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Ишни пухта режа асосида ташкиллаштирган бекободлик галлакорлар давлатга бошқоқли дон топшириш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажаришди.

Чинозликлар галлачиликда катта тажрибага эга. Бу йил улар учун ҳам омадли келиб, 20 минг 590 тонналик доvonни осонгина босиб ўтишди.

ДОНИМИЗ ТЎКИН —
НОНИМИЗ БУТУН

казиб берилиб, режа 113,2

— Бу йилги буғдой ўрими-га пухта тайёрларлик қилинди, — дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Саидқарим Тулепов. — Мавсумни қисқа фурсатларда, сифатли ва талафотсиз якунлаш мақсадида бир неча ташкилот ходимларидан иборат жами 398 та отряд тузилди. Техникалар шай ҳолатта келтирилди ҳамда малакали механизаторлар жалб қилиниб, уларнинг самарали иш-

лаши ва дам олиши учун зарур шароитлар яратиб берилди. Галлани нест-нобузд қилмай йиғиб олиш учун 398 та комбайн ва уларга 1 минг 970 та юк ташиш транспорти бириктирилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, буғдойнинг қафолатланган давлат харид нархи 2018 йилга нисбатан 1,6 баробарга оширилиб, бир тонна дон 1 млн. 200 минг сўм этиб белгиланди. Бундан ташқари, сўғориладиган майдонларда етиштирилган галлалар ҳосилдорлигига қараб 25 фоизгача устама нарх жорий қилинган, дон етиштириш харажатлари учун давлат харидига етказиб бериладиган қийматнинг 100 фоизгача йиллик 5 фоизлик имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилгани фермерларни янада руҳлантирди. Шунингдек, сўғориладиган 1 гектар ердан 40 центнердан кам ҳосил олинса, бу "Ерга нисбатан хиёнат деб баҳоланиб" фермер хўжалиги билан ижара шартномаси бе-

Ўрта Чирчиқ тумани миришкорлари дон қабул қиладиган қорхоналарга режадаги 29 минг 698 тонна ўрнига 32 минг 527 тонна сара дон етказиб беришди. Зафарга эришишда ҳудуддаги ўнлаб фермер хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, Оҳангарон, Пискент ва Паркент туманларининг азамат дехқонлари давлатга мўл-қўл сара дон топшириб, шартнома режаларини ортиги билан уddадиладилар. Қувонарлиси, ҳали далаларда ўрилмаган буғдойзорлар кўп.

— Биз бу йил 97 гектар майдонда галла парваришладик, — дейди Янгийўл туманидаги "GRAINWELL GROUP" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Турсунов. — Дон нархининг оширилиши, даромадимизнинг янада кўпайишига хизмат қилди. Олинган фойда ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилишни режалаштирганимиз. Меҳнат қилган одам албатта, роҳат кўраркан.

Қишлоқ хўжалиги бошқармаси берган маълумотларга кўра, вилоятда фаолият олиб бораётган баъзи фермер хўжаликлари жорий йилда гектаридан 80 центнердан юқори ҳосилдорликка эришишди. Хусусан, Бекобод туманидаги "Сохибжон Азизбек" фермер хўжалиги 84 центнер, Паркентдаги "Риски Зармаржон" фермер хўжалиги 90 центнер, Оққўрғон туманининг "Норкен" фермер хўжалиги 97,9 центнердан ҳосил олишди.

Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

◀◀ Бошланиши 1-бетда

Бадбўй хидга кўнликдик, аммо...

Маҳалла фаолларининг қайд этишича, маҳалланинг канализация тизими вақт ўтиб, эскирган. Табиийки, бундай қувур-

зандим баъзан бу ерлардан кўчиб кетайлик, дейди. Лекин, қандайд қилиб, ахир бу ерда 60 йилдан буён яшайман. 83 ёшимда бошқа жойга кўчикиш...

Маҳалла фаоллари мазкур

нинг бадбўй хидига кўнликдик ҳисоб. Аммо, унинг бошқа зарарларига чидаш қийин. Хусусан, унинг таъсиридан ҳар йили синф хоналари деворларининг 1 метргача бўлган қисми гувоҳи бўлиб тургани-

нинг бадбўй хидига кўнликдик ҳисоб. Аммо, унинг бошқа зарарларига чидаш қийин. Хусусан, унинг таъсиридан ҳар йили синф хоналари деворларининг 1 метргача бўлган қисми гувоҳи бўлиб тургани-

нинг бадбўй хидига кўнликдик ҳисоб. Аммо, унинг бошқа зарарларига чидаш қийин. Хусусан, унинг таъсиридан ҳар йили синф хоналари деворларининг 1 метргача бўлган қисми гувоҳи бўлиб тургани-

нинг бадбўй хидига кўнликдик ҳисоб. Аммо, унинг бошқа зарарларига чидаш қийин. Хусусан, унинг таъсиридан ҳар йили синф хоналари деворларининг 1 метргача бўлган қисми гувоҳи бўлиб тургани-

нинг бадбўй хидига кўнликдик ҳисоб. Аммо, унинг бошқа зарарларига чидаш қийин. Хусусан, унинг таъсиридан ҳар йили синф хоналари деворларининг 1 метргача бўлган қисми гувоҳи бўлиб тургани-

СУВНИНГ БОРИ ҲАМ, ЙЎғИ ҲАМ БИР ДАРД

лар кучли босимга дош бера олмаган ва босим таъсирида қувурларда ёриқлар пайдо бўлган. Айни пайтда канализация тармоғи сувлари ўша ёриқлардан булоқ каби сизиб чиқиб, ўзидан бадбўй хид таратмоқда.

— 10 йилларча бўлди чоғи, ҳовлимизга канализация суви тошади, — дейди Б. Машраб кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи фуқаро М. Гарипова. — Қўшнларим мени кексалиги сабаб ҳовлисига чикмай қўйди, деб ўйлашлари мумкин. Аслида бадбўй хид сабаб анча вақтдан буён ўзимни уйга қамал қилганман. Қизим шаҳарга қатнаб ишлайди. Ёлғизгина фар-

муаммо бўйича Зангиота тумани ҳокимлигига мурожаат қилишган. 2 ойна мукаддам ҳокимлик томонидан юқорида қайд этилган уй ёнидан қувур қазилиб, кекса онахон ҳовлисига канализация суви тошининг олди олинган.

Бирок, чуқурни тўлдирган тармоқ сувлари кўча бўйлаб ётқизилган латокка тушиб, тўтри ҳудуднинг нисбатан пастроқ қисмида жойлашган 38-умумтаълим мактаби боғини тўлдирмоқда.

— Мактабимизда 850 нафар ўқувчи ўқийди, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Д. Мухаммадалиева. — Мактабимиз ҳовлисига оқиб келаётган канализация суви-

гиздек ўпирилиб кетмоқда. Ваҳоланки, мактабимиз 2008 йилда реконструкция қилинган ва ҳар йили таъмирланади. Буниси ҳам майлику-я, ўқувчилар ўртасида учраётган юқумли касалликлар сабаб СЭС ходимлари келиб, мактабимизни 2-3 кунга ёпиб кетишади.

Мактаб ўқитувчиларининг таъкидлашича, маҳалла ҳудудига жойлашган ҳарбий қисмдан ойда 1-2 ва хатто баъзан 3 мартагача канализация тизимига кучли босимда сув таҳдилади. Шундай пайтларда қувур ёриғидан оқиб келаётган канализация суви мактаб ҳовлисига сунъий кўлларни ҳосил қилади.



моқда. Хўш, КВП биноси таъмирланаётган бўлса аҳоли учун яхши эмасми? Унда нега фуқаролар таъмирдан норози, бунинг нимаси ташвишланарли? — Кўриб турганимиз каби КВП биноси билан 10-уйнинг ўртасидаги масофа 20 метр ҳам чикмайди, — дейди 9-уй 5-хонадонда яшовчи фуқаро Қ. Аб-



таъмирлаб, туман сил касалликлари шифохонасини кўчириб келмоқчи. Одатда бундай шифохоналар аҳоли яшаш жойининг узоқда бўлиши керак эмасми?

Маҳалла фаолларининг КВП таъмири ва сил касалликлари шифохонаси борасидаги мурожаатларини қанчалик ўрин-

ли деб билсак, шунчалик бу маълумотнинг янглиш экани борасида гумонга бордик. Аммо, КВП ҳовлисигаги таъмирмига оид осиглиқ бино паспортида ҳудди маҳалла фаоллари таъкидлагани каби "Тош-

сер эса туман кўп тармоқли поликлиникаси биносига жойлаштирилди. Агар КВП мудирни айтганидек бўлса, маҳалла аҳолисининг бир муаммоси ечилган ҳисоб. Маҳалладаги ичимлик суви ва канализация билан боғлиқ муаммолар юзасидан эса мутасаддилардан жўяли бир жавоб ололмадик. Хусусан, Зангиота тумани ҳокимлиги вакили бу ишларни ҳал қилишга маблағ зарурлиги, ўша маблағ ажратилса муаммони ҳал этиш мумкинлигини маълум қилди. Бу борада вилоят уй-жой коммунал бошқармасига қилган мурожаатимизга "Сизга кўнгирак қилиб, канализация ва сув масаласи бўйича тўлиқ маълумот беришади, кутинг", деган жавоб бўлди. Эҳтимол бугун беришар...

Юқорида қайд этилган ичимлик суви ва канализация билан боғлиқ муаммолар, айниқса, 38-умумтаълим мактабидagi антисанитар ҳолат юзасидан тегишли идоралардан жавоб кутиб қоламиз.

Азизбек ХУДОЙҚУЛОВ, 92д

◀◀ Бошланиши 1-бетда

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида "Сиёсий жараёнларда Ўзбекистон "Адолат" СДП позицияларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар ўтказилди. "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, депутатлар, депутатликка захира номзодлар ва партия фаоллари иштирок эттишди.

Партиялар ҳаётидан

Семинарда "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Умид Шоумаров "Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда пиар технологиялардан фойдаланиш" мавзусида маъруза қилди.

Кайд этилганидек, партиянинг мафкуравий, тарғибот, ташкилий йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларини тузиш, аҳоли ва партия тарафдорлари орасидан билимли, тажрибали, фидойи инсонларни саралаш ва депутатликка захирага олиш, номзодлар учун сиёсий ўқувлар ташкил қилиш, ОАВ орқали ўтказиладиган партиялараро дебатлар ҳамда бошқа ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарадорлигини янада ошириш зарур.

Ўзбекистон демократик ривожланишининг мутлақо янги босқичига қадам қўйган қисқа вақт ичида халқ билан тўғри-

дан-тўғри мулоқотга киришиш, "Халқ давлат идоралари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятига хизмат қилиши керак", деган тамойилни амалга ошириш барча даражадаги раҳбарлар ҳамда депутатлар фаолиятининг асосий мезонига айланди. Ўз навбатида, фуқароларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлик даражаси анча юксалди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда жадал ислохотлар, қатор янгиланишлар амалга оширилди.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон



Умаров "Сайловларга пухта тайёргарлик юқори самарадорлик омили" мавзусида нутқ сўзлади.

Таъкидланганидек, сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишда сиёсий партияларнинг роли муҳим ҳисобланади. Айниқса, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари-га сайловлар бўлиб ўтадиган жорий йилда аҳоли ва сайловчилар билан янада яқинроқ мулоқот олиб бориш, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, қабул қилинган норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш "Адолат" социал-демократик партиясининг энг муҳим дастурий вазифаларидан бири эканлигига тадбир иштирокчиларининг эътибори қаратилди.

Жорий йил мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар куни кеча қабул қилинган Сайлов кодекси нормалари асосида ташкил этилади. Мазкур Кодекс, авва-

ло, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча амалий механизмларини, сайлов қонунчилигини тизимлаштириш ва унификациялаш, сайлов ҳуқуқи нормалари иерархиясини таъминлаш, сайлов жараёни очиклигининг кафолатларини кучайтириш имконини беради.

Шу боис, яқинлашиб келатган сайловларга тайёргарлик қўриш бўйича партиянинг "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди ва зарурий вазифалар белгиланди.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Муаллиф олган суратлар

Офарин!

1-3 июль кунлари Қирғизистонда 2005-2014 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Мазкур турнирда вилоятимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, ангрелик Гулнора Шерматова, Асилабону Норбоева (6 ёш), Гулсара Сабриддинова (8 ёш) биринчи ўринни, Моҳинур Исмоилова (11 ёш) учинчи ўринни қўлга киритишди.

АНГРЕНЛИК ЖАЖЖИ ЧЕМПИОНЛАР

Ғолиб бўлиб, Ватанга қайтган ёш спортчиларнинг устозини суҳбатга тортдик.

— Тўрт юздан ортиқ ёш спортчилар қатнашган халқаро турнирда шогирдларим юқори натижаларга қўсатганидан нафақат мен, балки уларнинг ота-оналари ҳам жуда мамнун, — дейди Ангрэн шахридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби катта мураббийси Барно Раҳмонқулова. — Биз турнирда бадий гимнастиканинг А ва Б тоифалари бўйича иштирок этдик. Шогирдларим котпок, арқон ва ҳалқа воситасидаги нафис ҳаракатлари билан муҳлислари лол қолдиришди. Айниқса, Асилабону Норбоеванинг натижалари таҳсинга сазовор. Мактабимизда айни кунларда бадий гимнастика тўғрисида 70 нафарга яқин қиз қатнайдилар. Улар орасида иқтидорлилари кўп. Аммо, республика ва халқаро турнирларда иштирок этиш учун ҳомийларга муҳтожмиз. Ҳозир фақат ота-оналар кўмагига таяниш билан чекланиб қолаёلمиз. Аслида Қирғизистондаги халқаро турнирда йўланмани беш нафар шогирдим қўлга киритган эди. Афсуски, бир қизимизнинг оилавий шароити кўтармагани учун шундай имкониятдан бебаҳра қолди. Шунга қарамай, эришган муваффақиятимиздан хурсандмиз.

Ўз мухбиримиз



Болалар ёзи

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус Пискент тумани ёшлари ўртасида ҳам кенг қанот ёймоқда.

ЗЕРИКИШГА ВАҚТ ЙЎҚ

Тумандаги "Тонг" болалар оромгоҳида ушбу ташаббус йўналишларидан бирига доир спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган болалар иштирок этдилар.

Тадбир туман ҳокимлиги, ФВБ, Муротали ҳарбий қисми, "Ватанпарвар" ташкилоти, Ёшлар иттифоқи, Қизил Ярим ой жамияти, ДСЭНМ, Мудофаа бўлими ҳамкорлигида ўтказилди. Ёшлар расм чиқиш, шунингдек, сузиш, тўп ўйини ва бошқа спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолиблар ҳомийлар томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Тадбир давомида "Биз ватанпарварлармиз", "Фуқаролар муҳофазаси" мавзулари бўйича тарғибот ишлари олиб борилди. Хусусан, ҳарбий қисм ва ФВБ бўлими вакиллари ватанпарварлик, юртга садоқат руҳидаги мавзуларда тарғибот ишлари олиб борган бўлсалар, ДСЭНМ ходимлари тўғри овқатланиш, жазирама иссиқдан сақланиш, ҳашаротлар чақанида биринчи ёрдам кўрсатиш ҳақида суҳбат ўтказишди. Самимий мулоқотда тиббий ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахсларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамжўрликлар ҳақида тўхталинди.

Оромгоҳда мароқли дам олаётган болалар суҳбатлардан тегишли хулоса чиқариб, спорт билан мунтазам шугулланишни мақсад қилдилар.

Юлдахон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири


Хусусий эълонлар

ЎЗМТРК томонидан "Ўзбекистон" телерадиоканали ДУК мухбири Тошматова Гулрух Собиржановнага 2019 йил 11 январда берилган 021 рақамда амал қилиш муддати 2019 йил 10 июнгача бўлган вақтинчалик рухсатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-умумтаълим мактаби томонидан 1997-1998 йилда Миралимова Махмудова номига берилган А № 387739-сонли (руйхат рақами 9) шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ХУШЁР БЎЛИНГ, ҲАЙДОВЧИ!

Жорий йилнинг 1 июль куни соат тахминан 12:30 ларда Қибрай туманида истиқомат қилувчи фуқаро И.Н. "Spark" русумидаги автомобили билан "Бўзсув" каналига тушиб кетган. Бу ҳақда Фавкуллода вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.



Ўзанинг аниқлик критичи, фуқаро машина бошқаруви вақтида тўсатдан ҳушидан кетади. Натижада, 12 метр баландликдан чуқурлиги 5 метр бўлган "Бўзсув" каналига қулайди. Машина сувга тўлгандан сўнг Н.И. дарз кетган олд ойна орқали чиқишга муваффақ бўлган.

Мазкур ҳодиса юзасидан, Фавкуллода вазиятлар вазирлиги қўқарувчилари зудлик билан воқеа жойига етиб келиб, машинани каналдан чиқариб олишди. Бу ҳақида фуқаро Н.И. ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида кўрсатилган ёрдам учун вазирлик вакилларига миннатдорлик билдирган.

Мурожаатлар «Тошкент ҳақиқати» назоратида

«ОБОД» СЎЗИ КИНОЯМИ, Ё БИЗГА ШУ КИФОЯМИ?

ётганидан ҳам кўз юма олмаймиз, бироқ ободлик миқёси тобора кенгайиб бораётгани ҳар қанча эътирофга лойик.

Биз бежизга мақолаимизни "обод" сўзи билан бошламадик. Чунки, номи шу сифат билан боғлиқ, аммо асл қиёфаси мутлақо акси бўлган маҳалла фуқаролар йиғини ҳақида сўз юритмоқчимиз...

Яқинда таҳририятимизга Ўрта Чирчиқ туманидаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳолидан кўчаларнинг таъмирталаблиги, бу аҳвол аҳолига қўллаб-қувватлашнинг туғдираётгани юзасидан мурожаат тушди. Ижодий гуруҳ билан манзил томон йўл олдик. Маҳалла ҳудудига кириб борарканмиз, бизни ўйдим-чуқурларга тўла кўчалар "қўтиб олди". Бу томонларга йўли тушган одам борки, "ичи тўқилиб қолиши" ҳеч гап эмас экан.

Маълумот ўрнида: "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида 384 та хонадон бўлиб, уларда 1 минг 990 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда 3 та катта кўча мавжуд. Мана, 15-20 йилдирки, мазкур маҳалланинг асосий йўллари янги асфальт ётқириш у ёқда турсин, бори ҳам таъмирланмаган. Натижада, янгиободликлар ёзда чанг-тўзон, тупроқ ютишга, қишда эса, лой-балчиқ кечишга мажбур бўлишмоқда.

«Машиналаримиз устакхонадан чиқмайди»

Бир оз кузатиб турган эдик, кўчанинг ўйдим-чуқурларини четлаб ўтиб, илон изидай ҳаракатланиб келаётган "Дамас"га кўзимиз тушди. Ёнимизда тўхтаб, мақсади-

мизни билганидан сўнг ҳайдовчи акамиз дардини дастурхон қила кетди.

— Мен узоқ йиллардан бери шу йўналиш бўйича қатнайман, — дейди Шавкат Қорақулов. — Қўриб турганингиздек, йўлларимиз умуман талабга жавоб бермайди. Бундан йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам

шиналари ўтганда кўчалар чангга ботиб кетади. Бу одамлар саломатлигига жиддий хавф туғдирапти. Ўзим ҳам чангдан тинимсиз йўталаман. Бундан ташқари, кўтарилган чанг дарахт мевалари

лар" қўшиғи ёдимизга тушди. Аммо, бундай чанг бўрониди кўнгилга қўшиқ сиғармиди...

Яна бир гап. Бу маҳаллага "Тез ёрдам" машинасининг етиб келиши амримаҳол. Мабодо беморни



бирдек азият чекмоқда. "Яма"ларнинг дастидан машинанинг баллонларини тез-тез алмаштиришга мажбур бўлаяпмиз. Гилдирак муаммосидан тинчидим десангиз, яна бир жойи бузилади, унисини тутасангиз, бошқа ерини таъмирлашга тўғри келади. Қисқасини айтганда, автоуловимиз устакхонадан чиқмайди. Буларнинг барчаси маблағ талаб қилади. Очиғи, топган пулимиз машина таъмиридан ортмаяпти. Бир тарафда тирикчилик, ишламасак бўлмайди...

Чанг кўчалар, чанг-чанг кўчалар...

Аҳолининг сўзларига кўра, мазкур худуд атрофида тошни майдалаш корхоналари фаолият юрита экан. Уларда тайёрланган қурилиш молларини кунига ўртача 20-50, ҳатто 80 тонналик юк машиналари ташийди. Уларнинг катнови тобора кўпайиб бораётгани шундоқ ҳам абгор кўчанинг ҳолатини бундан да ёмонлаштирмоқда.

— Жуда қийналиб кетдик, — дейди шу маҳаллада яшовчи Қосим ота Қўйбоқев. — Хар сафар юк ма-

ва томорқадаги экинларга ҳам салбий таъсир кўрсатаркан. Мана, бу йил гилосдан ҳосил ололмадик.

— Катта машиналар кўпинча кеч-қурун қатнайди, — дея суҳбатга қўшилди Камол ота. — Баъзида ярим тунда ҳам ўтиб қолади. Табиийки, бу ҳол аҳолининг тинчлигини бузаяпти. Жаҳлингни чиқарадигани, ҳайдовчилар фақат газини босишда. Кўчалар тор, йўлнинг расволигини ҳисобга олсак, бирор фалокат юз бермасин дея, юрак ҳовуллаб турармиз. Болалар мактабга бориб қайтгунча хавотирда ўтираемиз. Қачон масъул ходимлар келиб, вазиятни ўрганиб, ёрдам қилишаркин? Аслида, катта юк машиналари учун бошқа томондан йўл бор, лекин масофадан ютиш учун бизни маҳалладан юришади. Бир-икки марта ҳайдовчиларга бу кўчадан юрманглар, деб айтдик. Улар қулоқ солишмаяпти. Мутасаддилар аралашмасе, ўзгариш бўлмайди, шекилли.

Маҳалла фаоллари билан суҳбатлашиб турганимизда ёнимиздан баҳайбат улов ўтиб қолди-ю, унинг ортидан бир дунё чанг тепага ўрлади. Шу онда ўша машхур "Чанг кўчалар, чанг-чанг кўча-

касалхонага олиб кетишга тўғри келиб қолса, унда аҳвол чатоқ, даяверинг. Сабаби, дарди оғирроқ касалнинг шифохонага боргунча аҳволи янада ёмонлашиши аниқ.

Боғча қанақа бўлади, ўзи?

Мазкур худудда узоқ йиллардан бери, бирорта ҳам давлат мактаб-гача таълим муассасаси йўқ экан... Тўғри, ўтган йили битта хусусий боғча очилган. Аммо, аксарият аҳолига унинг тўлови қимматлик қилапти. Ота-оналар фарзандларини 10-15 км. масофадаги қўшни худудларга қарашли боғчага олиб боришига тўғри келади. Буни ҳам-манинг ҳам шароити кўтармайди.

Маълумотларга қараганда, маҳаллада 200 нафардан ортиқ боғча ёшидаги болалар бор экан. Айтилики, 40-50 нафари маҳалладаги нодавлат мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган бўлса, яна 20-30 нафари қўшни қишлоқлардаги боғчага қатнар. Қолган 60 фоиздан зиёд бола учун боғчага бориш имкони йўқ. Уларнинг болалиги чанг кўчада тупроқ ўйнаш билан ўтмоқда...

Невараларимизни боғчага боришини, яхши таълим-тарбия олишини хоҳлаймиз, — дейди Замира ая Усе-нқулова. — Телевизорда барча қўлай-ликларга эга, шароитлари зўр мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларни кўрганда, роса ҳавасимиз келади. Бизнинг на-бираларимиз қачон шунақа имконият-лардан баҳраманд бўларкан-а, дея афсусланамиз. Табиийки, боғчага бормаган бола мактаб ўқув дастур-ларини яхши ўзлаштира олмайд...

Кўча четида тупроқ ўйнаб ўтирган болақайларга кўзимиз тушди. Уларни саволга тутдик. Болалар тўлиб-тошиб келаханда ким бўлишини, нималарга қизиқишини бир-бирига гап бермай айтиб беришди...

Мурожаатлар

эътиборсиз қолмоқда

Маҳаллада аҳолини қийнаётган оғриқли масалалар етарли экан. Бу ерда, ҳатто, ичимлик суви йўқ. Одамлар суви араваларда 500-600 метр узоқликдан ташиб келиб, кун кечиришапти. Тоza ичимлик суви бир кунда икки соатгагина берилади. Шу вақтда улгуриб, идишга олиб қолсангиз хўп, бўлмаса, сувсиз қола-сиз. Шунингдек, маҳалланинг асо-сий кўчаларида бирорта ҳам чироқ йўқ. Агар бу ерга бирор юмуш би-лан кечқурун келсангиз, қоронғида адашиб қолсангиз ёки йўқилиб ўзин-гизга шикаст етиши аниқ.

Шу ўринда аҳолига ҳам эътиро-зимиз бор. Улар боқимандилик қай-фиятини четга суриб, ўзаро кели-шиб, кўчага чироқ ўрнатиб, у-бу жойларга озгина қарашса бўлади-ку? Бу унча кўп харажат талаб қил-майди-ку, ахир! Кечагина роса ваъ-далар бериб, сайланган маҳалла раиси қаёққа қараяпти?

Навбатдаги манзилимиз, худудда-ги 7-умумтаълим мактаби бўлди. Таълим масканининг аҳволи ҳам қоникарли эмас. Бинонинг таъмир-га муҳтож қисмлари етарлича. Мак-таб худудидида стадион эса ўт-ўлан-дан салкам ўрмон бўлиб кетган.

Маҳаллада ҳозирги кунда табиий газдан муаммо йўқ. Аммо, қишда босим пасаииб, маҳалланинг четро-ғидаги хонадонларга умуман газ етиб бормас экан.

Мазкур муаммолар юзасидан аҳоли жуда кўп мартаба керакли жойларга мурожаат қилишган. Қолаверса, сек-тор ходимлари ҳам камчиликлардан хабардор. Афсуски, натижа йўқ, му-рожаатлар эътиборсиз қолмоқда...

Зухриддин РАҲМОНОВ,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

КИБРАЙ – видоиятимизнинг жаннатмонанд ҳудудларидан бўлиб, гўзал табиати, мусоффо ҳавоси, меҳнаткаш миришкорлари, қилни қирқ ёрувчи танти тadbиркорлари-ю қўлигул ҳунармандлари билан донг таратган. Миллат шаъни,

қадр-қиммати ҳимоя қилувчи, соғлом авлод учун қайғурувчи қибрайлик опа-сингилларимиз шижоатини айтмайсизми? Замонамиз Тўмарислари, Барчинойу Ширинлари ҳам айнан шу манзилда, десак муболаға эмас...

«Қуроқ тикиб, гуллар билан безадим...»

"Бирлик" маҳалласида истиқомат қилувчи Қосимовлар оиласини кўпчилик яхши таниди. Саранжом-саранжом қирган кишининг бахри дили очилади. Зокир ака ва Манзура опанинг одабийлиги, фарзандларнинг бир-бирига оқибати туфайли бу хонадоннинг файзи бўлакча.

□ Хунармандчилик



– Яратган бизни 2 ўғил ва эгизак қизалоқлар билан сийлади, – дейди Манзура опа. – Бахт берганда шукр қилиб, дард берганда сабр қилиш керак экан. Қизимиз Айман ҳам тақдир синовларига бардошли, иродали. Гарчи у юра олмаса ҳам гулдек ҳунари ортидан қадр топапти.

– Етти йилдан бери қуроқчилик билан шуғулланиб, ёстиқ, кўрпа-кўрпачалар тикаман, – дейди Айман Қосимова. – Қозоқ қизларининг сепида гилам қуроқ бўлмаса, ҳисобмас. Бир жуфт гилам қуроқни ҳафта давомида тикиб битириш мумкин. Қуроқчиликда барчаси қўл меҳнати билан бажарилгани боис, жуда қадрли.

Айман бекор ўтиришни ёқтирмайди. Болаларни ўйнатишни, гулларни парваришлашни яхши кўради. У кучи ва вақтини идорамайдора юриб моддий ёрдам, қўшимча нафақа сўраш билан ўтказмайди, аксинча, ўз меҳнати билан қим-гадир нафи тегишини хоҳлайди. Айман тиккан буюмларининг харидори кўпчилиги-ю, одамларга манзур бўлаётганидан хурсанд. Энди у ўз ҳунарини ёш қизларга ўргатмоқчи.

□ Оилавий бизнес

Ҳам тadbиркор, ҳам ишбилармон

Ойбек номли маҳаллага бурилганимизда димоғимизга янги пишган ноннинг ажиб ифори урилди. Суриштирсак, шу кўчада Раънохон деган аёл пaтиp ёпаркан...

Келинининг пазандаллиги-ю, тadbиркорлик лаёқатини кузатиб юрган қайнота оила яшаётган хонадон этагидан келинга атаб кичикроқ цех очиб берди. Ҳаш-паш дегунча Раъно Салоҳиддинова ёпган пaтиpларнинг донги бутун қишлоққа ёйилди. Ҳақиқатан ҳам, адир лоласидек қизариб пишган, бўрсилдоқ пaтиp нонларнинг мазаси оғзингизда қолади. Бир тaндир пaтиp бир зумда тугайди. Аҳоли икки ёшинг фотиҳасига юбориш, тўй дастурхони учун буюртмалар қилишади.

Талабнинг ортиб бориши, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратишга асос бўлди. – Пaтиpчиликни бошлаганимизга 10 йилдан ошди, – дейди Раънохон. – Ўн ой бурун ўғлим Сардорбек дўсти Элёр билан ҳамкорликда қўшни маҳаллада қандолат цехи очиш ниятида эканини айтганда, очиги, қувониб кетдим. Сабаби, ёшларнинг бу истаги қўлдан бери ўйлаб юрган режамни амалга ошириш учун туртки бўлди-да.

Ҳозирда Бобур номли маҳаллада фаолият кўрсатаётган қандолат цехида 10 нафар маҳаллий ёшнинг бандлиги таъминланиб, турли ширинлик ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган.

– Пиширик тайёрлашни ўрганиш учун шу корхонага ишга кирдик, – дейишди опа-сингил Дилафрўз ва Дилноза Ҳасановалар. – Оз фурсатда қўлимиз анча келишиб қолди. Яна-чи, маҳалланинг ўзидан иш топганимиз айти муддао бўлди-да.



Ширинсўз сиздан айлансин



Ўзинг туғилиб ўсган туманда раҳбар сифатида фаолият кўрсатиш масъулият ҳиссини икки баробар оширар экан.

□ Изҳор

Мақсуд лавозимда иш бошлаганимга ҳали бир йил ҳам бўлмади. Шу муддат давомида аҳолига, айниқса, хотин-қизларга яқинроқ бўлишга, уларни ўйлан-тираётган муаммоларга

ечим топишга ҳаракат қилдим ва бу жараён ҳануз давом этмоқда.

Туманимиз аҳолиси 206 минг нафардан зиёд. Шунинг ярмидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил эта-

ди. 86 та маҳалланинг 12 тасига аёл раислар бошчилик қилишади. Турли соҳаларда эътирофга арзирли ишларимиз кўп. Бироқ, оғир шароитда яшаётган 54 аёл ҳам туманимиз фуқаролари. Яқинда улардан 20 нафарини ишга жойлаштирдик. Қолганларига ҳам ўзларига мос иш топиб, бандлигини таъминлаш ҳаракатидамиз.

Саодат СОЛИҲОВА,
Қибрай тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиги деб тушунамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аёл Оламини

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси

Ҳалолликда ҳикмат кўп

"Истиқлол Шукурова" номли кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Гўзал Шукурова ҳақида гап кетса, кўпчилик у кишига "мард аёлда", дея таъриф беради. Бу бежизга эмас, албатта. Сўзи билан иши бир, чўрткесар, дангалчи Гўзал опа ўз ўрнида саховатпеша, танти бўлиш билан бирга, кўпчиликка ёрдами тегадиган аёл.

□ Қишлоқ мулкдорлари



Қайд дафтаридики бу йилги натижаларга рази соламыз: фермер хўжалигининг 25 гектар майдонида етиштирилган галла ўриб-йиғиб олинди. Режадаги 74 тонна ўрнига 100 тонна бугдой топирилди. Баҳорда 2 гектар майдонга экилган қулупнайдан 15 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрган хўжаликнинг 1,5 гектарлик боғида айни чоғда гарқ пишқиқчилик. 8 гектарлик майдонда чорва озукаси етиштирилади.

Дарвоқе, ёзда хўжалик ҳисобидаги 42 бош қорамол, 70 дан зиёд қўй-қўзи шартномага кўра, Бўстонлиқ туманидаги "Ақбар дон агро" фермер хўжалиги ихтиёрига юборилади. Фермер опанинг таъбири билан айтганда: "Чорва моллари тоғ ҳавосидан нафас олиб, кўк ўтга тўйиб, оёғининг чигилини ёзиб келади".

Гўзал опанинг ўғли Ҳожиакбар Шукуров ҳам фермер. Онанинг ёнига кириб, унинг тажрибасини кўн билан ўрганаётган ёш фермер тadbиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланади. Ҳар бир ишда онасидан ибрат олади. Сабаби, онаси 800 гектар ерда деҳқончилик қилгани, "Ташаббус – 2010" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши фермер" номинацияси ғолиби бўлгани Ҳожиакбарнинг хотирасида кино тасмасидек айланиб туради. Шунингдек, онасига навбатсиз енгил машина берилгани, чет давлатга бепул ўқишга юборилганидан ҳам гурурланади.

Дарҳақиқат, аёл боши билан ҳамма фарзандларини ўқитиб, уйли-жойли қилиш, қўша-қўша машина ва ҳовли-жойлар орттиришининг ўзи бўлмайди. "Бунинг замирида бир сеҳрли сўз бор, у – ҳалолликдир", дейди Гўзал опа. Ўзи ҳам 4 нафар фарзанди ва севишли набибаларининг қулоғига доим қуядиган ҳалол меҳнатнинг мукофоти ҳам шунақа салмоқли бўлиши керак-да, аслида.

Пири бадавлатликнинг сири нимада, деган саволга "Юқори юз" маҳалласида истиқомат қилувчи Мавжуда ва Абдусаттор Абдукаримовлар бараварига: "Эр-хотин бир-бирини тушуниб, аҳил-иноқликда яшашда", – деб жавоб беришди.

□ Эъзоз

Дарҳақиқат, ярим асрлик турмушларида ҳалоллик, тўғрисиқлик, бир-бирини тушуниш ва ҳурматлашни биринчи ўринга қўйган бу жуфтлиқ илм йўлида эришган барча ютуқлари, обрў-эътиборларини бахтли оилалари ортидан топганлар.

Асли зангиоталик Мавжуда опа ва чинозлик Абдусаттор аканинг умр йўллари ёшлиқда, Москва давлат университетиди



ўқиб юрган кезларида тутади.

Мавжуда Абдукаримова ўқини аспирантурада давом эттирди. Докторлик ишини табиий толаларнинг кимёвий технологияси мавзусида ҳимоя қилган Мавжуда опа ўзбек хона-

ласини 28 босқичда ишлаб чиқишни йўлга қўйиш орқали унинг табиий хусусиятларини ошириш (ювиб ишлатиш) мумкинлигини исботлади.

Йиллар давомида кўп-

лаб шогирдлар тайёрлаган М. Абдукаримова бакалавр ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун ўзбек ва рус тилларида саккиз та дарслик ҳамда монография ёзди.

Ҳозирда 80 ёшга қа-ришган олимпиада олийгоҳда талабаларга дарс бериш билан бирга илмий изланишда давом этмоқда. Шу ёшда ҳам уни ёшларга хос ғайрат, шижоат тарқ этмаганига ҳар

қанча ҳавас қилса арзийди.

Олимплар оиласида улгайган 4 нафар фарзанд ота-оналари каби илмни қадрлайдиган инсонлар бўлиб қамол топишди. Катта қизлари Гулноза шифокор-кардиолог, кичиги Санобар менежер, ўғиллари Ақром ва Рустам эса ҳисобчи. Сулола давомчилари бўлиш 11 набира ва 4 нафар абира дуоғуи бобо ва бувижонларининг қувончи.

Бола кулса — олам кулади

□ Одабийлик шеваси

юритадиган болалар уйининг 53 нафар кичкинтой психологик ривожланишда орқа-

да қолган, жисмоний ва физик нуқсонли, ақлан заиф бўлиш билан бирга, ота-она меҳрига ҳам зор. Афсуслар бўлсинки, уларнинг аксариятининг ота-онаси фарзандидан воз кечган. Тартибга кўра, биз болаларни 7 ёшгача парваришлаймиз. Шундан сўнг уларни ота-оналарига

қайтаришимиз ёки махсус интернатларга жўнатишимиз керак. Муассасамизда болалар учун барча шароитлар етарли. Давлатимиз ғамхўрлигидан таъминотимизда ҳеч қандай узилишлар йўқ. Қирқ нафар тарбиячи, 13 тиббий ходим уларга ҳар қанча меҳрибон ва ғамхўр бўлмасин, ўқисик қалблар кемтиклигини даволай олишмайди. Болалар барибир ота-онаси, яқинларини кўмсайди.

Муассасага раҳбар бўлганим-га 4 йил тўлди. Дастлаб ишхо-

намга йиғлаб келиб, йиғлаб кетардим. Аммо, начора. Мурғакина болаларки бу қисматга кўниб яшаётган экан, имкон қадар уларнинг қаршисида кўзёшларимизни кўрсатмасликка ҳаракат қиламиз.

Болалар тарбиячи опаларига жуда ўрганиб қолишган. Гулжаҳон Бўронбоева, Феруза Содиқова, Сайёра Гулмўризаева, Нилуфар Жамолова каби фидойи тарбиячиларимиз болаларга оналаридан кўрмаган меҳрни беришга ҳаракат қилишади.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Аллома АЗИЗОВА, Мансур ҲИММАТОВ (суратлар) тайёрлади.

Бундан 2 йил олдин муассасамизга ҳомийлик ёрдами кўрсатган корейс миллиятига мансуб бефарзанд оила Марк исмли 2 ёшли болаимизни фарзандликка олишди. Бу ҳаммамиз учун қувончли воқеа бўлди. Ҳозир Марк 4 ёшда. Соғлигида ҳам яхши томонга ўзгариш бор. Энг муҳими, ота-она бағрида, меҳрга қониб улғаймоқда.

Истагим, шундай қувончли воқеалар, яхши кунлар кўп бўлса, дунёда биронта ҳам меҳрга зор бола қолмаса...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почталар: thaqiqat@mail.ru / th-tp@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ

Буюртма V-3572. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 4 518 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топириш вақти – 21.00. Босишга топирилди – 21.00.